

## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИ ВА МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14173474>

**Улуғбек Қобилов**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш департаменти бўлим  
бошлиғи, доцент, мустақил изланувчи*

Мақолада хорижий мамлакатлар жазони ижро этиш тизими, ўзига хос хусусиятлари, қонунчилик ҳужжатлари, маъмурий-ҳуқуқий мақоми, унинг мазмуни, жазони ижро этувчи тузилмалар ташкилий-ҳуқуқий шакллари, жиной жазоларни ижро этишнинг прогрессив тизимлари ёритилган ва бу борадаги илмий адабиётлар, қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилинган.

Буюк Британия, Франция, Германия, Бельгия, Финландия, Швейцария, АҚШ давлат-ҳуқуқий тизимларида жазони ижро этиш муассасаларини бошқариш органларининг маъмурий-ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш натижаларига кўра, илмий хулосаларни илгари сурган.

### **Таянч сўзлар**

хорижий мамлакатлар пенитенциар тизими, ташриф буюрувчилар кўмиталари, жамоатчилик назорати, жазони ижро этиш муассасаларини бошқариш органлари, реформаторийлар, ахлоқ тузатиш-пенитенциар муассасалари, жиной жазоларни ижро этишнинг бир қатор прогрессив тизимлари, пенитенциар қонунчилик.

## АНАЛИЗ СИСТЕМЫ ИСПОЛНЕНИЯ НАКАЗАНИЙ И АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОЙ СТАТУС В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

В статье освещается уголовно-исполнительная система зарубежных стран, ее особенности, законодательные акты, административно-правовой статус, ее содержание, организационно-правовые формы пенитенциарных учреждений, прогрессивные системы исполнения наказаний, а также анализируется научная литература и законодательство зарубежных стран в данной сфере.

Выдвинул научные выводы, основанные на результатах изучения административно-правового положения органов управления пенитенциарными учреждениями в государственно-правовых системах

Великобритании, Франции, Германии, Бельгии, Финляндии, Швейцарии, США.

### **Ключевые слова**

пенитенциарная система зарубежных стран, выездные комиссии, общественный контроль, органы управления пенитенциарными учреждениями, исправительными учреждениями, исправительно-пенитенциарными учреждениями, ряд прогрессивных систем исполнения наказаний, пенитенциарное законодательство.

## **ANALYSIS OF THE SYSTEM OF EXECUTION OF PUNISHMENTS AND ADMINISTRATIVE-LEGAL STATUS IN FOREIGN COUNTRIES**

The article covers the penal system of foreign countries, its features, legislative acts, administrative and legal status, its content, organizational and legal forms of penitentiary institutions, progressive systems of execution of punishments, and also analyzes scientific literature and legislation of foreign countries in this area.

He put forward scientific conclusions based on the results of studying the administrative and legal status of the governing bodies of penitentiary institutions in the state and legal systems of Great Britain, France, Germany, Belgium, Finland, Switzerland, and the USA.

### **Key words**

penitentiary system of foreign countries, visiting commissions, public control, governing bodies of penitentiary institutions, correctional institutions, correctional-penitentiary institutions, a number of progressive penal systems, penitentiary legislation.

Чет эл пенитенциар тажрибасини ўрганиш ҳозирги босқичда пенитенциар амалиётда давом этаётган ўзгаришларга илмий ёндашувни таъминлашнинг зарур шартларидан биридир. Ушб у масалалар таҳлилига муурожаат қилиш нафақат жиноий жазоларни ижро этиш соҳасидаги мавжуд хорижий тажрибани аниқлаш ва тавсифлаш имконини беради, балки хорижий давлатларда маҳкумлар билан ишлашнинг ижобий тасдиғини тошган шакл ва усулларидан фойдаланиш учун асослар яратади.

Ушбу тадқиқот мавзуимиз доирасида ҳуқуқни қўллаш сиёсати ривожланган мамлакатларда жиноий жазоларни ижро этишнинг бир қатор прогрессив тизимларини кўриб чиқамиз.

Буюк Британия қамоқхона хизмати. Ушбу йўналишдаги юридик адабиётларда баён этилганидек, Буюк Британия қамоқхона хизмати Лондонда жойлашган Марказий бошқарма ва 15 та ҳудудий бошқармалардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири етти-саккиз графликдаги жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини бошқаради[1]. Тизим беш турдаги 150 дан ортиқ муассасаларни ўз ичига олади.

1. Маҳаллий жазони ижро этиш муассасаларида ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин эркаклар, аёллар ва вояга етмаганлар сақланади, Марказий бошқарманинг ихтисослаштирилган қаттиқ изоляция қилинган муассасаларида жазони ўтаётган А тоифали маҳкумлар бундан мустасно. Маҳаллий қамоқхоналарда шахсни ижтимоий-психологик ўрганиш амалга оширилади, бу маҳкумларни таснифлаш ва уларни кейинчалик жазони ўташ учун муассасаларга тақсимлаш учун асос бўлади. Айрим маҳкум маҳаллий қамоқхонада қолдирилиши мумкин.

2. Маҳкумларнинг бир қисми очик ва ёпик ўқув хибсхоналари деб аталадиган қамоқхоналарга жўнатилади, уларда уларнинг касбий таълими кўйидаги мутахассисликлар бўйича ташкил этилади: тош устаси, пардозчи, сартарош, боғбон, тикувчи ва бошқалар.

3. Қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар ҳам жазони ўташлари мумкин бўлган қамоқхоналарда тергов қилинаётган шахслар ва судланувчилар сақланади.

4. 15 ёшдан 21 ёшгача бўлган маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ихтисослаштирилган муассасаларда ўтайдилар. Бундай муассасалар олдида ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларда масъулият ва ўз-ўзини тарбиялаш туйғуларини шакллантириш, уларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш, таълим ва касб-хунар ўргатиш каби вазифалар кўйилади. Жисмоний тарбияга катта эътибор берилади.

5. Махсус тоифага бўлиб-бўлиб жойлаштириш қамоқхоналари киради. Бу энг оғир жиноятларни содир этган маҳкумларни ушлаб туриш учун юқори даражадаги (даражали) изоляция ёки хавфсизлик муассасасидир.

Буюк Британия қамоқхоналар тизими Ички ишлар вазирлиги таркибига киради. Мамлакатда жазоларни ижро этувчи муассасалар фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатлари мавжуд эмас. Фаолиятни ташкил этишнинг алоҳида нормалари Англия парламенти томонидан қабул қилинган қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мавжуд.

Англия ва Уэлснинг замонавий қамоқхоналар тизими озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларни ижро этишни, шунингдек, қамоққа олиш

тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсларни ушлаб туришни таъминлайдиган ягона давлат тузилмаси ҳисобланади [2].

Қамоқхона тизимининг ҳозирги муассасалари 66 000 гача маҳкумни сиғдира олади.

Айни пайтда Англия ва Уэлсдаги қамоқхоналар тизимида 43 444 нафар ходим ишлайди:

- эркаклар – 31 882;
- аёллар – 10562 нафар;
- руҳонийлар – 258;
- тиббиёт ходимлари – 1184 нафар;
- ишлаб чиқариш ишчилари – 2870 нафар;
- ишлаб чиқаришдан ташқари ишчилар – 2448 нафар;
- педагоглар – 5633 нафар;
- психологлар – 279 та;
- режим ва хавфсизликни таъминловчи ходимлар – 24 859 нафар.

Буюк Британия қамоқхона хизмати маҳбуслар сақланадиган муассасаларнинг куйидаги тоифаларига эга.

Тоифалар	Таърифи
Эркаклар қамоқхоналари	Эркак маҳкумлар учун муассасалар (21 ёшдан катта) (қамоқхона)
Аёллар қамоқхоналари	Аёл маҳкумлар учун муассасалар (барча ёшдаги) (қамоқхона)
Ёш жиноятчилар учун муассасалар	Ёш ҳуқуқбузарлар учун муассасалар – 17 ёшдан 21 ёшгача бўлган эркаклар. Баъзан бундай муассасаларга 15 ёшдан 17 ёшгача бўлган вояга этмаган ҳуқуқбузарларни ҳам жойлаштиришади.
Вояга этмаганлар учун муассасалар	15-17 ёшдаги вояга этмаган жиноятчилар учун муассасалар. Баъзан бундай муассасаларда 12-14 ёшли болалар ҳам сақланади.
Маҳаллий қамоқхоналар	Тергов қилинаётган маҳкумлар (суд муҳокамасидан сўнг дарҳол) ёки муайян бўлимда жазони ўташ тайинланишини

Тоифалар	Таърифи
Умрбод қамок жазосига ҳукм қилинган маҳбуслар учун қамокхоналар	Умрбод қамокқа олиш марказлари деган ном билан машҳур бўлган муассасалар. Уларда умрбод ёки маълум узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни ушлаб турадилар
«Никобдорлар» (юқори хавфсизлик даражасида)	«Никобдорлар» юқори даражадаги хавфсизлик талаб қилинган маҳкумларни ва баъзи ўта хавфли жиноятчиларни ушлаб туриш учун фойдаланилган.
A тоифасидаги қамокхона	Хавфсизликнинг энг юқори даражаси (деворлар)
B тоифасидаги қамокхона	Хавфсизликнинг энг юқори даражаси (деворлар)
C тоифасидаги қамокхона	Ўрта даражадаги хавфсизлик (панжара, қамокхона ичида ҳаракатланиш)
D тоифасидаги қамокхона	Очиқ режим

Англияда қамокхона хизматини мониторинг қилиш ва назорат қилишнинг ўзига хос тизими шакллантирилган бўлиб, унинг марказида Ички ишлар вазирлигининг қамокхоналар бош инспектори бошқармаси жойлашган. Қамокхоналар бош инспектори бошқармаси қамокхона хизматидан мустақил бўлиб, барча қамокхона хизмати муассасаларини ҳар йили режали ва режадан ташқари текширишларни амалга оширади, уларнинг натижалари тўғрисида Давлат котибига ахборот берилади ва айрим ҳолларда парламент томонидан эшитилади.

Ташриф буюрувчилар кўмиталари Англия ва Уэлсдаги қамокхоналар устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Бу тузилма нафақат озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини, балки жазони ижро этиш муассасаларида муайян давлат бошқаруви функцияларини ҳам амалга оширади. Инглиз қамокхона хизматининг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу жамоат тузилмаси фаолияти аниқ ҳуқуқий асосга эга, ташриф буюрувчилар кўмитасининг вазифалари ва функциялари Қамокхона қоидалари билан белгиланади.

Қамоқхонага ташриф буюрувчилар кўмитасининг асосий вазифалари қамоқхона биноларининг ҳолатини, муассаса раҳбариятини ва маҳкумларга муносабатни назорат қилишдан иборат. Ташрифчилар кўмитаси текширувлар ўтказди ва уларнинг натижалари ҳақида Давлат котибига ахборот беради. Мазкур ташкилотлар томонидан тайёрланган маърузалар жазони ижро этиш муассасаларини бошқариш самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муҳими, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб борилади.

Франциядаги қамоқхоналар фаолияти Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинади. Қамоқхоналарга раҳбарлик қилиш Франция Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Қоидага кўра, Франциянинг марказий қамоқхоналари сифими 500 ўрндан ошмайди, лекин сифими каттароқ муассасалар ҳам мавжуд.

Франция Жиноят-процессуал кодексининг 719-моддасига кўра, марказий қамоқхоналардаги барча маҳкумлар тунги вақтда бир-биридан изоляция қилиниши керак. Бироқ, амалда бу кўпинча қамоқхоналардаги одамларнинг ҳаддан ташқари кўплиги сабабли бундай ҳолатлар кузатилмайди.

1992 йил 22 июлда Франция *Миллий Ассамблеяси* (парламент қўйи палатаси) ва Сенат (парламент юқори палатаси) томонидан тўртта қонун қабул қилинди, мамлакат Президенти томонидан эса ушбу қонунларни тасдиқланди, мазкур қонунлар 1994 йилда кучга кирган Франциянинг янги Жиноят кодексини ташкил этди. Жиноят ҳуқуқини ислоҳ қилишнинг асосий концептуал ғоялари инсон ҳуқуқлари ҳимоясини тўлиқ таъминлаш, қонун устуворлиги тамойилларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳуқуқий нормаларни жиноятчиликка қарши курашнинг янги ижтимоий эҳтиёжларига мувофиқлаштириш, жиноий жавобгарлик ва жазони инсонпарварлаштиришдан иборат эди[3]. Янги Жиноят кодекси, кейинги ўзгартиш ва қўшимчалар билан 1958 йилдаги Жиноят-процессуал кодекси (5-бўлими «Ижро иши юритиш»), шунингдек, Ҳукуматнинг 1959 йил 23 февралдаги қарори (ўз мазмунига кўра пенитенциар кодексининг бир тури) Францияда жиноий жазоларни қўллашни тартибга солувчи қонунчилик базасини ташкил этади.

Францияда жазони ижро этиш прогрессив тизимни қўллашга асосланган бўлиб, катталар маҳкумлар учун марказий ва маҳаллий қамоқхоналар ва вояга этмаган жиноятчилар учун махсус ахлоқ тузатиш муассасаларини ўз ичига олади. Бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига

хукм қилинган шахслар жазони марказий қамоқхоналарга, бир йилдан кам муддатга озодликдан маҳрум қилинганлар эса маҳаллий жазони ижро этиш муассасаларига юборилади. Дастлаб, маҳкумлар қамоқхона режимига ва изоляция қилиш шароитларига кўникиш учун бир кишилик камерада (45 кундан ортиқ бўлмаган) сақланади, бу ерда улар маъмурият вакиллари томонидан синчковлик билан ўрганилади, сўнгра уларга қуйидаги босқичлардан иборат прогрессив тизимнинг тегишли чоралари кўрилади:

1) тузалиш йўлига ўтган, тузалиш йўлига ўтмаган, шубҳали деб таснифланган бир кишилик камерада сақлаш;

2) тузалиш йўлига мойиллиги бўлган маҳкумларнинг кундузи бирга ишлашлари ва бир кишилик камераларда ётоқда бўлиш тартибини белгилаш;

3) имтиёзлар сонини ошириб бориш;

4) ярим эркин режимга ўтиш (қамоқхонадан ташқарида ишлаш ва қариндошлари билан кўришиш имконияти билан);

5) яхши хулқ-атвор учун шартли равишда озод қилиш.

Ҳар бир департаментда маҳаллий қамоқхоналар ташкил этилган. Улар уй қамоқлари, ахлоқ тузатиш марказларини ўз ичига олади ва улар ҳибсда сақланаётган шахсларни, шунингдек, енгил жиноятлар учун судланганларни сақлаш учун мўлжалланган.

Франция пенитенциар тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида вояга етмаган жиноятчилар учун жазони ижро этиш бўйича хусусий муассасаларнинг мавжудлиги деб ҳисоблаш мумкин. Улар хайрия ташкилотлари ва диний жамоалар томонидан ташкил этилса-да, бироқ давлат уларни доимий назоратда ушлаб туради.

Францияда пенитенциар фаолиятининг яна бир хусусияти жазони ижро этишда судьяларнинг роли ҳисобланади. Қонун уларга озодликдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш, шунингдек, шартли равишда озод қилишни қўллаш бўйича катта ваколатлар беради.

Бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун мўлжалланган барча муассасалар қамоқхоналар деб аталади, аммо улар турли режимларга эга: баъзилари жазони ўташни ташкил этишнинг прогрессив тизими деб аталадиган тизимдан фойдаланадилар, бошқалари оборн тизимидан фойдаланадилар[4].

Маҳкумларга нисбатан режим ва муомала усулларининг хилма-хиллиги нафақат озодликдан маҳрум қилиш тури ва маҳкумлар контингентининг ўзига хос хусусиятлари билан, балки Франция Жиноят-процессуал кодексига

ички тартиб-қоидаларига мувофиқ марказий қамоқхоналарда жазоларни ўташни ташкил этиш ҳуқуқини берганлиги билан ҳам изоҳланади[5].

Франция пенитенциар тизими 186 та қамоқхона ва 183 та ижтимоий реабилитация ва пробация кўмитасини ўз ичига олади[6]. Интернет сайтларда нашр этилган маълумотларга қараганда 2015-2016 йилларда қамоқхоналарда 50 292 та жой мавжуд бўлиб, уларда 58 366 маҳкум бўлган, улардан 2 мингга яқини аёллар ташкил қилган [7].

Франция пенитенциар тизимида ишлаш учун номзодларни танлаш ёзма имтиҳонлар, тест синовлари ва индивидуал суҳбатлар орқали танлов асосида амалга оширилади. Ишга қабул қилиш тўғрисидаги ҳулоса Адлия вазирлигининг Кадрлар бошқармаси томонидан тасдиқланади. Ходимларни тайёрлаш миллий жазони ижро этиш муассасаларини тайёрлаш Мактабида амалга оширилади.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, Дания, Нидерландия ва Франция пенитенциар тизимларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: маҳкумларга инсоний муносабатни таъминлаш; уларнинг касбий тайёргарлиги; постпенитенциар тайёргарлик ва ижтимоий реабилитация; қочишларни истисно қилиш. Маҳкумнинг ҳулқ-атворини амалдаги қонунчилик талабларига сўзсиз риоя қилиш, гиёҳвандлик ва алкоғолизмдан воз кечиш, такрор жинойт содир этилишини минималлаштиришга қаратилган тузатишлар бўйича ҳам муайян ишлар мунтазам амалга оширилиши қайд этиш лозим.

*Бельгия қамоқхона тизими* сўз юритилгани илмий, тарихий адабиётларда ушбу давлат жазони ижро этиш тизимини узоқ тарихга эгаллиги қайд этилади. Мамлакатда 1835 йилдан бошлаб барча шаҳар қамоқхоналари барча тоифадаги жинойтчилар учун бир кишилик камераларга айлантирилган.

Жазони ижро этиш муассасаларига раҳбарлик Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Муассасалар учта асосий турга бўлинади: ёпиқ, ярим очик ва очик. Ёпиқ муассасалар қаттиқ қўриқлаш ва маҳкумлар устидан назорат тизими билан ажралиб туради. Ярим очик муассасаларда қўриқлаш зарурий минимал даражага туширилган. Бу ерда маҳкумлар муассаса бўйлаб эркин ҳаракатлана оладилар. Очик муассасалар маҳкумларнинг шахсий интизомига асосланган қамоқда сақлаш режими билан ажралиб туради.

*Швейцарияда* озодликдан маҳрум қилиш жойлари қамоқхоналар бўлиб, улар икки турга бўлинади: очик қамоқхоналар ва каторгалар. Биринчиси биринчи марта судланганлар, иккинчиси – рецидив жинойтчилар. Бироқ,

қамоқхона шароитларида ҳеч қандай фарқ йўқ, ягона фарқ изоляция даражасида (хавфсизлик).

**Каторга** (*сўнги юн. катергон – галера – эшакли ҳарбий кема*) – маҳбусларни оғир жисмоний меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ бўлган жазо турларидан бири. Ўрта асрларда вужудга келган. Россияда 18а. бошида пайдо бўлган. Каторгага ҳукм қилинганлар меҳнатидан қалъалар қуришда, флотда, кончилик (Нерчинск Каторгаси)да фойдаланишган. 19а. охири – 20а. бошида марказий Каторга турмалари тизими кўринишида мавжуд бўлган (1917 й. Россиядаги фев. инқилобидан сўнг бекор қилинган).

Очиқ қамоқхоналар маълум даражада мамлакатимиздаги манзил-колонияларига ўхшайди. Бу қамоқхоналарда панжара йўқ, уларнинг ҳудуди фақат белгиланган, маҳкумлар эса ундан ташқарида ишлашлари мумкин. Ёпиқ қамоқхоналарда қамоқхонанинг барча атрибутлари, яъни муҳандислик иншоотлари ва хавфсизлик техникаси мавжуд.

Швейцарияда фақат уч турдаги жазо мавжуд: жарима, қамоқ ва эҳтиёт чораси. Қамоқ муддати 20 йилдан ошмаслиги керак.

*Финляндия қамоқхоналари* мамлакат Адлия вазирлиги тасарруфида. 1972 йилда Финляндияда ўлим жазоси бекор қилинди, шунинг учун қамоқ жазоси энг оғир жиноий жазо ҳисобланади, аммо истисно ҳолларда умрбод қамоқ жазоси ҳам назарда тутилган.

Финляндия судлари ўз амалиётида жиноий ишларда жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган таъсир чораларини кенг қўллайдилар. Бу жазо турларига жарима, жазони кечиктириш, шартли жазо киради. Жиноятчиларнинг 10% дан ортиғи озодлик маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинади, судланганларнинг атиги 3% дан ортиғи қамоққа юборилади.

Финляндия пенитенциар тизими ёпиқ, очиқ ва аралаш қамоқхоналарни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда мамлакатда 17 та ёпиқ ва 5 та очиқ жазони ижро этиш муассасаси мавжуд. Бундан ташқари, Турку шаҳрида маҳбуслар учун психиатрия шифохонаси, Хамеэнлинна шаҳрида қамоқхона касалхонаси ва Хельсинкида қамоқхона ходимлари учун ўқув маркази мавжуд. Аксарият қамоқхоналар ўтган асрда қурилган классик биноларда жойлашган. Масалан, Вааса шаҳридаги қамоқхона 1863 йилда, Хельсинкида эса 1881 йилда қурилган.

Финляндия Адлия вазирлиги мамлакат пенитенциар тизимини бошқаради. Қамоқхона маъмурияти судлар томонидан чиқарилган озодликдан маҳрум қилиш бўйича ҳукмларни, ҳибсга олиш ва қамоққа олиш бўйича суд ажримларини ижросини таъминлайди. Бугунги кунда

қамокхоналар тизимида мамлакатнинг турли ҳудудларида жойлашган 39 та муассаса фаолият олиб боради.

*Америка Қўшма Штатларида* ягона федерал пенитенциар қонунчилик мавжуд эмас. Принципларда ҳам, маҳкумларга таъсир қилиш усулларида ҳам, қамокда сақлаш шароитларида ҳам, уларга муносабатда бўлиш усулларида ҳам ягона стандарт (ёндашув) йўқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг 51 штатларининг ҳар бири ўз ахлоқ тузатиш-пенитенциар тизимларига эга, улар ўртасида ўхшашликдан кўра фарқлар кўпроқ мавжуд. АҚШнинг деярли ҳар бир қамокхона муассасаси бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзининг жазони ижро этиш тизимига эга ва маҳкумлар билан ўзига хос тарзда ишлайди.

Қўшма Штатларда қамок жазосининг асосан икки тури мавжуд: узок муддатли (оғир жиноятлар учун) ва қисқа муддатли (ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун). Шунга кўра, АҚШнинг ахлоқ тузатиш-пенитенциар муассасалари узок муддатли ва қисқа муддатли муассасаларга бўлинади.

Узок муддатли ахлоқ тузатиш-пенитенциар муассасалари (бир йил ёки ундан кўп озодликдан маҳрум қилиш)га федерал қамокхоналар ва реформаторий муассасалари, шунингдек, шунга ўхшаш давлат муассасаларини ўз ичига олади. Ушбу муассасаларга юқори турувчи суд органлари томонидан оғир жиноятлар (оғир жиноятлар) содир этганликда айбдор деб топилган шахслар юборилади. Шу ўринда қайд этиш лозимки, биринчи вояга етмаган жиноятчилар учун реформаторий 1846 йил очилган АҚШнинг Массачусетс штатида, кейинроқ Англия 1854 йилдаги Вояга етмаган жиноятчилар учун ахлоқ тузатиш мактаблари тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши ушбу турдаги муассасалар Европа мамлакатларида ҳам ташкил этилишига асос бўлди[8].

Қисқа муддатли ахлоқ тузатиш-пенитенциар муассасаларига (бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш) округлар (туманлар) ва шаҳар муниципалитетлари – маҳаллий қамокхоналар юрисдикцияси остидаги муассасалар киради. Уларга ижтимоий хавфи катта бўлмаган (мисдиминор) содир этганлик ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларига асосан тегишли қоидаларни бузган шахслар жойлаштирилади.

АҚШ федерал қамокхоналар тизими турли муассасаларни ўз ичига олади: пенитенциар (қамокхоналар), ахлоқ тузатиш муассасалари, қамок лагерлари, вояга етмаганлар (16 ёшгача) ва ёшлар (25 ёшгача) учун ахлоқ тузатиш муассасалари, маҳкумлар учун тиббий марказлар (госпиталь), эркин

яшаш шароитларига озод қилиниши керак бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви учун мўлжалланган муассасалар.

АҚШ қамоқхоналари штат губернаторлари томонидан бошқарилади. Аслида, улар мустақил ва федерал тизимга боғлиқ эмас. АҚШ пенитенциар тизимининг турли хил муассасаларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- федерал қамоқхоналар (узок муддатга, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар, уларга юборилади);

- бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни жойлаштириш учун мўлжалланган штат қамоқхоналари (ёки пенитенциар муассасалари);

- реформаторийлар, уларнинг аксарияти штат қамоқхоналар тизимида ва фақат бир нечтаси федерал ҳукумат томонидан бошқарилади. Реформаторийнинг асосий белгилари: жазо муддатининг нисбатан ноаниқлиги; маҳкумларни шахсий хавфлилик даражаси ва тузалиш даражасига кўра тоифаларга бўлиш;

- шаҳар ва унинг атрофидаги туманларга хизмат қилувчи маҳаллий қамоқхоналар. Маҳаллий қамоқхоналар ёмон бошқарув, ёмон санитария шароитлари, маҳкумларни таснифлаш ва ажратишга эътибор берилмаслиги, шунингдек, нотўғри овқатланиш, ёмон тиббий ёрдам ва ходимларнинг етарли даражада тайёрланмаганлиги билан ажралиб туради.

- фермер қамоқхоналари. Улар штатлар томонидан бошқарилади ва қисқа муддатли маҳбусларни маҳаллий қамоқхоналардан олиб ташлаш миссиясига эга;

- вояга этмаганлар учун қамоқхона муассасалари: «ёшлар» қамоқхоналари, реформаторий шаклидаги ахлоқ тузатиш лагерлари, тарбия мактаблари.

Алоҳида ҳарбий қамоқхона тизими мавжуд.

*Германияда* жиноий жазоларни ижро этиш Германия Адлия вазирлигининг ваколатига киради ва 1977 йил 1 январда кучга кирган Федерал қонун билан тартибга солинади. Қонун чиқарувчи жазони ижро этувчи муассасалар олдида асосий вазифани кўйди, яъни маҳкум озодликка чиққандан кейин ўз хулқ-атвори учун ижтимоий жавобгарликни ўз зиммасига оладиган ва қонунларни бузмаган ҳолда жамиятда яшай оладиган тарзда жазо ижросини ташкил этишдан иборат эди.

Жазони ижро этиш тизимининг энг муҳим вазифаси маҳкумнинг озодликка чиққанидан кейин қонунга мувофиқ яшашига ёрдам беришдир.

Бошқача қилиб айтганда, унинг қайта ижтимоийлашуви. Мамлакат Жиноят-ижроия кодексининг деярли барча моддалари шу ғояга бағишланган.

*Хорижий давлат-ҳуқуқий тизимларида жазони ижро этиш муассасаларини бошқариш органларининг маъмурий-ҳуқуқий ҳолатини таҳлили қуйидаги хулосалар чиқариш имконини берди:*

Биринчидан, Европа Иттифоқининг барча мамлакатларида жазони ижро этиш тизимларини бошқариш бўйича марказий органлар Адлия вазирлигига идоровий бўйсунди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар жазони ижро этиш тизими бугунги кунда Туркменистонда, Беларусь Республикасида ва мамлакатимизда Ички ишлар вазирлигига бўйсинади. Қолган МДҲга аъзо мамлакатларда пенитенциар муассасалар адлия вазирлиги тизимига ўтказилган. Жазоларни ижро этиш ваколатларини Адлия вазирлигига ўтказиш 1993 йилда Озарбайжон ва Эстонияда, 1996 йилда Молдовада, 1998 йилда Россияда амалга оширилган; 2000 йилда – Грузия, Латвия ва Литвада, 2001 йилда – Арманистонда, 2003 йилда – Қирғизистон Республикасида. Шунга ўхшаш ислохотлар 1990 йилларнинг бошида собиқ социалистик лагернинг бошқа мамлакатларида ҳам бўлиб ўтди, уларда Ички ишлар вазирлиги жазоларни ижро этиш учун жавобгар эди, масалан, 1990 йилда Болгарияда, 1991 йилда Руминияда ва 1993 йилда Албанияда пенитенциар тизим адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилган[9].

Иккинчидан, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этилганлиги, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларнинг ресоциализация қилинишига катта эътибор қаратилиши.

Учинчидан, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўлланилишига устуворлик берилганлиги.

### **ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Батыров А. Х., Гандалоев Р. Б. Международные стандарты и зарубежный опыт условий отбывания лишения свободы в исправительных учреждениях // Криминологический журнал. 2022. № 2. С. 7-12. <https://doi.org/10.24412/2687-0185-2022-2-7-12;>

2. Хуторская Н.Б. Исполнение уголовного наказания в виде лишения свободы в Англии и Уэльсе. – М., Академия МВД России. 1995. С. 17-18.

3. Уголовный кодекс Франции: Принят в 1992 г.: Вступил в силу с 1 марта 1994 г. // [https://rusneb.ru/catalog/000199\\_000009\\_000912817](https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_000912817).
4. Шевченко А.Е. Прогрессивно-регрессивная система исполнения уголовных наказаний: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Ставрополь, - 2014. 23 с.
5. Батыров А. Х., Гандалоев Р. Б. Международные стандарты и зарубежный опыт условий отбывания лишения свободы в исправительных учреждениях // Криминологический журнал. 2022. № 2. С. 7-12. <https://doi.org/10.24412/2687-0185-2022-2-7-12>.
6. Тепляшин П.В. Французский тип европейских пенитенциарных систем // Журнал: «Вестник Самарского юридического института», -2016, -№4, С.71-76.
7. Официальный сайт Министерства юстиции Франции [Электронный ресурс]. - URL: <http://www.annuaires.justice.gouv.fr/etablissements-penitentiaires-10113/>
8. Шевченко А.Е. Прогрессивно-регрессивная система исполнения уголовных наказаний: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Ставрополь, - 2014. 23 с.
9. Ковалев Н.П. Аналитическая записка «Пенитенциарные системы: сравнительный анализ организационно-правовых форм» // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30386356&pos=3;-110#pos=3;-110](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30386356&pos=3;-110#pos=3;-110).